

THE PLACE OF NON-STATE TV CHANNELS IN OUR SOCIETY**Perhan Allamberganova**

Uzbek Journalism and Mass Communications

Doctoral Students +998946107628

ANNOTATION

The article provides analytical views on the current activities of existing non-governmental TV channels in the Republic of Karakalpakstan. We will talk about their directions, achievements and a brief history.

Keywords: non-state, TV channel, territory, journalist, news, language, program.

КИРИШ

Телевидение – оммавий ахборот воситаларининг ўзига хос, алоҳида бир туридир. “Жамиятимизда демократик қадриятларни қарор топтириш, фуқароларимизнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, дунёда ва мамлакатимизда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, воқеа-ҳодисалар ҳақида тезкор ва ҳаққоний маълумотлар етказиш борасида сиз, матбуот аҳлининг фидокорона меҳнат қилаётганингизни халқимиз яхши билади ва юксак қадрлайди. Мустақиллик йилларида мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг сони қарийб 4 баробар кўпайиб, 1500 тага етгани ушбу тармоқда ўсиш, ўзгариш жараёнлари изчил давом этаётганидан далолат беради”[1]. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, бугун гарчанд он-лайн оммавий ахборот воситаларининг тури ва сони кўпайганига қарамасдан, классик оммавий ахборот воситалаи ўз ўрини йўқотмаган.

ТАДҚИҚОТНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ.

Бугунги глобаллашув даврида чекка ҳудудлардаги нодавлат телеканалларнинг жамиятдаги ўрни, ўзига хослиги, жаҳон журналистикасининг ривожланиш тенденцияларининг намоён бўлишини тадқиқ этишдир.

ТАДҚИҚОТ ТАҲЛИЛИ.

Ўзбекистонда ижтимоий тармоқлар фаоллашаётгани сари телевидение ҳам том маънода мазкур жараён билан рақобатга киришмоқда, тобора мавқеини мустаҳкамламоқда. Ўзбекистон ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг маълумотларига қараганда, бугун 75 та телевидение, шу жумладан, 37 та давлат, 38 та нодавлат телеканаллари фаолият кўрсатиб келмоқда”[2].

Тадқиқотимиз доирасида айрим ҳудудий нодавлат телеканаллар фаолиятига назар ташлаймиз. Ўзбекистонда илк хусусий телестанцияга 1989 йилда асос солинган. Бу Самарқандаги “СТВ” телеканали эди. Бироқ “СТВ” телеканали эфирга чиқиши учун Москванинг энг юқори доирасида расмий рухсатнома талаб этилгани туфайли телестанция эфир юзини фақат 1990 йил кўрди. Ўша йилнинг 21 мартда “СТВ” мустақил телекомпанияси илк бор кун давомида Наврўз байрами шодиёналарини эфирга узатди. “СТВ”нинг доимий эфири эса 1990 йил 15 май кунидан бошланган”[3,65].

Таъкидлаш жоизки, “2008 йилдан бошлаб Ўзбекистонда хорижий ҳамкорлар ёрдамида фаолият юритадиган илк хусусий ОАВ – Россиянинг “СТС” телеканали билан ҳамкорликда тузилган “СофтС Ўзбекистон” эфирга чиқа бошлади. Асосан, Россиядаги “СТС” дастурларини қайта узатган бўлса-да, янги жамоа Ўзбекистонда унинг оригинал дастурларини ҳам тақдим этган. Мазкур жамоа эса айнан “ТВМ” базасида фаолият олиб бориб, икки телеканалнинг умумий раҳбарияти ҳам “Terra Group” компанияси бўлган”[4,66]. Бу телеканал узоқ фаолият юритмасдан ўз ишини тўхтатди.

Энди бевосита, Қорақалпоғистон Республикасидаги нодавлат телеканалларга тўхталсак. Қорақалпоғистон Республикасида эса 5 телеканал, шунинг 1 таси давлат, 4 таси нодавлат телеканал сифатида иш юритади.

Қорақалпоғистон Республикасида фаолият бошлаган дастлабки нодавлат телеканалларнинг бири Элликқалъа туманининг “Ellikqal’a TV” канали асосан, *ўзбек, рус* ва *қорақалпоқ* тилларидаги кўрсатувларини ахборот, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий, адабий-бадий, спорт, кўнгилочар йўналишларда тайёрлайди.

“Ellikqal’a TV” телеканали 2003 йил 3 февралда “Ellikqal’a mahalliy televideniesi” маъсулияти чекланган жамияти муассислигида Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги, “Қорхоналар тўғрисида”ги Қонунларга мувофиқ ташкил этилган. Телеканал иш бошлаган дастлабки пайтда фақат Элликқалъа ва қўшни Тўрткул, Бегovat туманларини, кейинчалик Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилояти ҳудудини тўлиқ қамраб олди. Бугунги кунда телемахсулот тайёрлаш ва эфирга узатиш тизими тўлиқ равишда профессионал техникалар орқали амалга оширилиб, ўз дастурларини Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг барча ҳудуди, шунингдек, қўшни давлатларнинг чегарадош ҳудудларига SD форматда узатмоқда. Телеканалнинг телеаудитория қамрови ўртача 4 миллион 900 минг кишини ташкил этади.

“Янгиликлар” информацион дастури кунига 4 марта 20 дақиқадан эфирга узатилади. Ҳар бир дастур давомида “Қисқа хабарлар” рукнида экранда ҳаракатланувчи титрда кун давомида 10 дан ортиқ, жами 18000 га яқин қисқа хабарлар берилади.

Аҳамиятли жиҳати шундаки, ҳозирда телетомошабинларнинг таҳлилий-танқидий, ижтимоий-сиёсий ахборотларга бўлган қизиқиши ортган. Жумладан, ижтимоий тармоқларда ўтказилган сўровномаларга кўра, “Янгиликлар” ва “Ҳудуд янгиликлари” информацион дастурлари, “ETV-intervyu” кўрсатуви умумий телеаудиториянинг 21,1% кузатаётгани[5] Янги Ўзбекистон даврида одамларнинг дунёқараши ўзгараётгани, ахборотга бўлган талаби ўсиб бораётганидан далолат беради.

Аҳолининг бўш вақтини мазмунли ва мароқли дам олиши учун турли мавзудаги ҳужжатли ва бадий фильмлар, концерт дастурлари намойиш этилади.

Телеканал томонидан ходимларнинг билими ва малакасини ошириш, айниқса, ёш медиа мутахассисларини тайёрлаш, рағбатлантириш сингари масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Ижодий ва техник ходимлар Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси (ЎзЭОАВМА) томонидан ташкил қилинаётган халқаро миқёсдаги семинар ва мастер-классларга доимий равишда қатнашиб, малака ошириб келишмоқда. Шунингдек, телеканал қошида “Ёш журналистлар” клуби ҳам ташкил этилган.

Элликқалъа тумани Қорақалпоғистон Республикасининг туристик ҳудудларидан бири. Мутахассисларнинг фикрича, “туманда 21 та археология ва 1 та архитектура ёдгорлиги, 10 та монументал санъат ёдгорлик, 5 та диққатга сазовар жой ва 2 та зиёрат туризми объекти мавжуд бўлиб, ҳозирда бир нечта туристик хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолият юритиб келмоқда”[6]. Демак, ҳудуд журналистлари бир неча хориж тилларини ҳам ўрганиши ўта муҳим. Мазкур телевидениеда фаолият юритмоқчи бўлган журналистларга хориж тилларини билиш талаби қўйилган. Айни пайтда фаолият юритаётган тележурналистларнинг аксарияти чет тилларини яхши билишади. Натижада, туристик ҳудудга ташриф буюрган хорижий сайёҳлар билан суҳбатлашиб телекўрсатувлар тайёрланиши, информацион дастурларда хорижий хабарларнинг узатилиши яхши йўлга қўйилган.

Қорақалпоғистон Републикасидаги яна бир нодавлат телеканалларнинг бири Амударё туманининг “АТВ” телевидениеси ҳам 10 йилдан (2008 йилдан) ошдики, турли жанрлардаги кўрсатувлари билан томошабинлар эътиборини қозониб келмоқда. Асосан, ахборот, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий, адабий-бадий, спорт, кўнгилочар теледастурларини *ўзбек* ва *қорақалпоқ* тилларида тайёрлаб, томошабинлар эътиборига ҳавола қилади. Телеканал дастурлари дастлаб ҳафтада 3 кун, кунига 2 соатдан, 2014 йилнинг 21 мартидан бошлаб, ҳафтасига 5 кун, ҳар чиқишда 3-3,5 соатдан эфирга узатила бошланди. 2016 йилдан 5 соатга етказилди. Айни кунда эфир вақти 1 кунда 18 соатни ташкил қилади.

Илгари Манғит шаҳри ва шаҳар атрофига узатилган бўлса, ҳозирги кунда Қорақалпоғистон, Хоразм вилояти ва қўшни Туркменистон Республикасининг айрим ҳудудлари аҳолиси ҳам телеканалнинг ранг-баранг кўрсатувларидан баҳраманд бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 17 апрелдаги ПҚ-1741-сон қарори билан “Ўзбекистон Республикасида рақамли телевидениега техник ва технологик ўтиш бўйича Давлат дастури” тасдиқланган. Унга кўра, рақамли телевидениега ўтиш икки босқичда, биринчи босқич 2012-2015 йилларда, иккинчи босқич 2016-2017 йилларда амалга оширилиши белгиланган[7]. Мазкур дастур асосида Амударё тумани телеканали ҳам 2019 йилнинг январь ойидан бошлаб, аналог тизимдан рақамли форматга ўтказилди. Натижада теледастурларни узатиш хизматларининг сифат кўрсаткичлари тубдан яхшиланиб, эфир вақти ва тарқатилиш ҳудудлари кенгайди.

2019 йилда телеканал таҳририяти жойлашган бинода капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилиши натижасида, турли мавзулардаги ток-шоулар, информацион дастурлар, кўнгилочар ҳамда болалар учун мўлжалланган кўрсатувларни замонавий техникалар ёрдамида тасвирга олиш учун имкон яратилди.

Амударё телевидениесининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари ҳам мавжуд. “Таҳририятнинг замонавий, энг сўнги русумдаги алоқа ва дастурий таъминот воситаларидан самарали фойдаланилиши оқибатида телеканалда SMS-мулоқотлар, телевикториналар, жонли эфирдаги информацион ва кўнгилочар дастурлар ҳамда жонли ижрода, жонли эфирдаги концерт дастурлари намойиш қилиниб, телетомошабинларга манзур бўлмоқда”[8].

“Замин”, “Xabar.uz”, “Янгиликлар” инфор­ма­цион дастурлари, шунингдек, “Кун мавзу­си”, “Одоблар хазина­си”, “Кўн­гил мулки” каби адабий-бадий ҳамда ма­даний-маърифий мавзулардаги кўрсатувлар, жонли иж­ро­да­ги концерт дастурлари ал­ла­қачон ўз мухлисларини топган.

“Тараққиёт кўз­гу­си” ва унинг иловаси “Менинг оилам” газеталари, amunews.uz веб сайти Амударё телевидение­си бирлашган тахририятлари ижодий жамоаси ҳисобланади. “Тараққиёт кўз­гу­си” ва унинг иловаси “Менинг оилам” газеталари 2635 нус­ха­да чоп этилиб, обуначиларига ўз вақтида тарқатилмоқда”[9]. Демак интеграция жараёни олис ҳудудлардаги ОАВда ҳам кўз­га ташланади.

“1981 йилнинг кузида туманга биринчи марта теле­ви­зи­он сигналларни узатиш мосламаси ўрнатилиб, юртдошларимиз марказий теле ва радиоканалларни анча сифатли тарзда қабул қилиш имкониятига эга бўлди. Мазкур марказнинг теле­ви­зи­он сигналларни тарқатиш мосламаси ҳозирги Амударё қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи биносининг устида – 15 метрлик баландликда жойлашган эди.

Теле­ви­зи­он сигналлар сифатини ошириш мақса­ди­да 1992 йилда Манғит шаҳрида замонавий радио-теле­ви­зи­он станцияси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Илгарилари станция орқали узатиладиган теле­ви­зи­он сигналлар радио-реле линияси орқали қабул қилиб олинар эди. 2005 йилда туманга шиша толали кабель ётқизилиши нати­жа­си­да бу жараён анча енгиллашиб, шаҳарлараро алоқа линиялари орқали амалга ошириладиган бўлди. Қолаверса, шиша толали кабель ётқизилиши на­фа­қат теле­ви­зи­он сигналларни қабул қилиш жараёнини осонлаштирди, балки, туман аҳоли­си­нинг замонавий телефон алоқаси, интернет ва бошқа хизматлардан фойдаланишига им­ко­ни­ят яратди.

2006 йили теле­ви­зи­он станция замонавий ус­ку­на­лар билан жиҳозланди. Ҳозирги кунда баландлиги 50 метр бўлган теле­ми­но­ра­га ўр­натилган номинал қиймати 100 Вт кучланишдаги аналог тизимли узаткичлар орқали “O`zbekiston”, “Sport”, “Yoshlar” ва Қорақалпоғистон теле­ка­наллари, шунингдек, “Mahalla”, “O`zbekiston”, “Yoshlar” ва Қорақалпоғистон радиоканаллари ретрансляция қилиб келинмоқда. 2010 йилда эса, “ATV” теле­ка­на­ли ишга қўшилиб, станциядаги 10 Вт кучланишли телеузаткичдан эфирга узатила бошланди.

Шунингдек, дастурларни илгаригидек компакт дискларда DVD-плеерлар орқали узатиш усулидан воз кечилиб, замонавий компьют­ер мажмуаси орқали эфирга узатиш йўлга қўйилгани видео-тасвир ва овоз сигналларининг тиниқлик даражасини анча оширди”[10].

2012 йил 17 апрелда тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида рақамли теле­ви­де­ние­га техник ва технологик ўтиш бўйича Давлат дастури”[11] асосида мамлакатимиз ҳудудини рақамли теле­ви­де­ние кўрсатувлари билан қамраб олишни кенгайтириш ҳамда рақамли теле­ви­де­ние­га босқичма-босқич ўтиш бўйича амалий ишлар олиб борилган. Давлат дастури доирасида 2016-2017 йилларда мамлакатимиз бўйича 84 та юқори кучланишдаги узаткичлар ўрнатилиши ва шунинг нати­жа­си­да йирик аҳоли масканларининг 90 фоизининг рақамли теле­ви­де­ние билан қамраб олиниши назарда тутилган.

Пойтахт Нукус шаҳрида фаолият бошлаган “JASLAR-TV” теле­ка­на­ли эса, 2018 йилдан ўз теле­да­стурларини намойиш этишди.

Телеканалнинг эфир ҳажми 18 соатни ташкил қилади. Шундан янгиликлар 10%, маданий-маърифий 20%, кўнгилочар 30%, бадиий ва ҳужжатли фильм, мультфильм, сериаллар 30%, реклама 10%ни ташкил этади. Асосан, информацион, муסיқий-кўнгилочар кўрсатувлар эфирга узатилади.

“JASLAR TV” телеканалининг “Qaraqalpaqstan-online” информацион дастури қорақалпоқ тилида, душанбадан жумагача соат 9:00; 19:00; 21:00да 10 дақиқадан эфирга узатилади.

Телеканал тизимида информацион, бадиий-муסיқий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий, муסיқий-кўнгилочар ва спорт кўрсатувлари бўлимлари мавжуд.

Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳри, Қўнғирот, Хўжайли, Чимбой, Кегейли, Шўманай, Амударё, Қонлиқўл ва Нукус туманларини камраб олган.

Барчамизга маълумки, 2020 йил 15 мартда Ўзбекистонда COVID-19 касаллигига чалинган биринчи бемор аниқланди ва мамлакатда карантин чоралари кўрила бошланди[12]. Пандемия барча соҳага шу жумладан, оммавий ахборот воситаларига ҳам ижобий, ҳам салбий таъсирини кўрсатди. Мазкур ҳолатда тадқиқот объектларимиздан бири бўлган “JASLAR TV” Ўзбекистонда илк марта ZOOM дастури орқали “On-line сәўбет” дастурини “Nukus FM” радиоси, “Instagram”, “Facebook-Meta”, “YouTube” ва “Telegram” ижтимоий тармоқлари орқали бевосита жонли эфирда намойиш этилган.

Албатта, Қорақалпоғистон Республикасидаги нодавлат телеканаллар ёшлар онгида миллий-истиклол ғоясининг қарор топишига ҳисса қўшиш, эришилган маърифий ахлоқий, тарихий ютуқлар, шунингдек, аҳолининг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш, комил инсон ва баркамол авлодни тарбиялаш йўлида олиб борилаётган ҳаракатларга муносиб ҳисса қўшиш ҳамда ёшларнинг мароқли дам олиши учун имконият яратиш бирламчи мақсади ҳисобланади. Телеканалда соғлом ҳаёт тарзи, ёшларнинг оила маънавиятини юксалтириш, маданият, илм-фан ва санъат, иқтисодиёт, спорт соҳасидаги ютуқларини тарғиб қилиш борасида эфирга узатилган кўрсатувлар эътирофга лойиқ. Айни маънода, “хусусий каналларнинг тележурналист ва телережиссёрлари кўнгилочар дастурлар орқали телетомошабинлар ҳисларига ва уларнинг онгига таъсир кўрсатиш усулини яхши ўзлаштиришган”[13].

Албатта, ижодкорларнинг самарали меҳнатлари эътибордан четда қолмади. 2006 йил 13 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Нодавлат телестудиялари фаолиятини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори қабул қилинди[14]. Натижада “Ellikqal’a TV” телеканали жамоаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан эълон қилинган 2014 йилдаги грант танловида “Саломатлик сабоқлари: юқумли касалликлардан эҳтиёт бўлинг” лойиҳаси билан қатнашиб грант соҳиби бўлди. “UZBEKISTAN MEDIA AWARD 2021” танловида эса, “Йилнинг энг яхши ҳудудий телеканали” номинациясида ғолибликни қўлга киритган.

Амударё тумани телевидениеси 2018 йилда ЎЭОАВМАга аъзо бўлди. Ассоциация телеканал таҳририятини доимий равишда қўллаб-қувватлаб, турли грантлар ажратиб, таҳририятнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга кўмаклашиб келмоқда.

2019 йилда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш

жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг қарорига кўра, “Ҳаракатлар стратегияси, “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” Давлат дастурини бажаришда НТТларнинг фаоллигини қўллаб-қувватлаш” мавзусидаги биринчи танловда Амударё тумани телевидениеси грант соҳиби бўлди.

“Мажбурий меҳнат-инсон ҳуқуқларига зиддир” деб номланган лойиҳа 30 миллион сўмлик грантга сазовор бўлган. Меҳнат миграцияси, мажбурий меҳнат ва камситишлардан жабрланган одамларни ҳуқуқий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш, бу борадаги тарғибот ҳамда реабилитация ишларини тизимли тарзда олиб боришга асосланган мазкур лойиҳага кўра, яқин ўн ой давомида бир қатор чора-тадбирларни амалга оширган. Хусусан, “Ҳуқуқшунос минбари”, “Ишга марҳамат!” сингари йигирмадан зиёд кўрсатув ва ахборот дастурлари эфирга узатилган”[15]. Демак, ҳудудий нодавлат телеканаллар бугун ижтимоий-сиёсий мавзуларни ёритишда ҳам фаол ҳаракат қилмоқда.

“JASLAR TV” телеканали Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигинин 25 йиллиги муносабати билан “Озод юрт тўлқинлари” 2018 йил IX медиа-фестивалида Худудий Телестанциялар эфир дастурларни миллий манфаатларимизга мос юқори ғоявий-бадий савияли, соғлом турмуш тарзи ва оммавий спортни, Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини тарғиб қилувчи сифатли медиа – контент билан таминлаш лойиҳаси доирасида грант маблағи билан рағбатлантирилди.

2020 йилда Ёшлар ишлари агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси Бошқармаси томонидан ёшлар ҳаётини ёритишдаги фаоллиги учун “Хошамет–2020” (“Эътироф-2020”) мукофоти билан тақдирланди. Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциациясининг “Журналистлар баҳори-2020” медиа фестивалида “Энг яхши видеоролик” – номинациясини қўлга киритди.

Хулоса. Кузатишлар шуни кўрсатадики, бугун нодавлат телеканаллар асосан, мусиқий-кўнгилочар форматдаги – рекреатив дастурлари билан томошабин қалбини забт этишга улгурди. “Рекреатив (лотин тилидан олинган бўлиб, -rekreati –тиклаш) дам олиш, кўнгилочар, ҳар хил стрессларни йўқотиш деган маъноларни англатади”[16]. Баъзан, бунини “кўнгилочар журналистика” деб ҳам аташади. Шундай бўлсада, “нодавлат телестанциялар маҳсулотининг сифати ҳам техник, ҳам ижодий такомиллашувига муҳтож”[17],-деган фикрни қўллаб-қувватлаймиз. Негаки, ҳудудлардаги нодавлат телеканаллар марказдаги каби жуда оммалашиб кетгани йўқ. Бунга бир неча сабабларни кўрсатиш мумкин.

1. Худудлардаги нодавлат телеканаллари фақат ўз регионидагина фаолият кўрсатиши;
2. Худудлардаги реклама бозорининг фаол эмаслиги;
3. Иқтисодий имкониятларининг чегаралангани;
4. Кадрлар тажрибаси каби масалалар кун тартибида долзарб бўлиб турибди.

Мамлакатдаги ҳар бир нодавлат телеканал ёшларни ватанга муҳаббат, бунёдкорлик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик ва халқимизнинг бошқа бебаҳо ва эзгу қадриятларига ҳурмат ва садоқат руҳида тарбиялашни мақсад қилган. Айниқса, телеканалларда фаолият юритаётган 20 нафардан ортиқ ходимларнинг 80-90 % ни ёшлар ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси таркибидаги суверен давлат Қорақалпоғистон Республикасида бугун оммавий ахборот воситаларида интеграциялашув жараёни кузатилмоқда. Аниқроғи, Қорақалпоғистон Республикаси ОАВ жаҳон оммавий ахборот воситаларининг ривожланиши билан тенг қадам ташляпти.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари куни муносабати билан йўллаган табриги. <https://xs.uz/uzkr/post/prezident-tabrigi-matbuot-va-ommavij-akhborot-vositalari-khodimlariga>. Мурожаат санаси 6.02.2022.
2. Ўзбекистон ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги маълумоти.
3. Истиқлол даври оммавий ахборот воситалари: ютуқ, истиқбол ва муаммолари. Илмий мақолалар тўплами. Т. 2010. Б-65. -92/
4. Истиқлол даври оммавий ахборот воситалари: ютуқ, истиқбол ва муаммолари. Илмий мақолалар тўплами. Т. 2010. Б-66. -92
5. “Ellikqal’a TV” телеканали маълумоти.
6. <https://kknews.uz/oz/81768.html> Мурожаат сана 19.03.22
7. “Taraqquyot ko`zgusi” газетаси. 2020 йил 27 июнь. 23-24-сонлар.
8. “Taraqquyot ko`zgusi” газетаси. 2020 йил 27 июнь. 23-24-сонлар.
9. “Taraqquyot ko`zgusi” газетаси. 2020 йил 27 июнь. 23-24-сонлар.
10. http://old.mitc.uz/en/press_center/speeches_statements/2691/
11. http://old.mitc.uz/en/press_center/speeches_statements/2691/
12. <https://daryo.uz/k/2020/03/31/karantindagi-dunyo-ozbekistonda-koronavirus-qanday-kutib-olindi-mart-oyining-yakunlari/> мурожаат сана 19.03.22.
13. Асадуллаев М. Телевиденининг назарий ва амалий асослари. Т.: “Mumtoz so`z”. 2021. Б.-89. -584.
14. <https://xs.uz/uzkr/post/tuman-televideniesi-golib-boldi>
15. <https://lex.uz/docs/1695210?twolang=1>. Мурожаат санаси 6.02.2022.
16. Цвик В.Л. Телевизионная журналистика: история, теория, практика. М.: “Аспект – Пресс”, 2002.
17. Истиқлол даври оммавий ахборот воситалари: ютуқ, истиқбол ва муаммолари. Илмий мақолалар тўплами. Т. 2010. Б-67. -92.